

Хулуъ ҳам талоқми?

13:47 / 24.04.2016 4575

Яқинда талоқнинг “хулуъ” деган хили борлигини эшитдим. Бу қандай талоқ, шу ҳақда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: “Хулуъ” (хуль) талоқнинг бир тури. Бу ҳақда Бақара сурасининг 229-оятида зикр этилган: "Эй мусулмонлар! Агар эр-хотиннинг Аллоҳ таоло кўрсатган шаръий ҳудудга риоя этолмасликларидан хавфсирасангиз, хотиннинг эридан ажралиш учун эрига мол беришида ва эрнинг уни олишида гуноҳ йўқдир". Яъни, хотин эрига пул ёки мол бериб талоқ олиши, ўзини ундан халос қилиши гуноҳ эмас.

Ислом динида биринчи хулуъ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида содир бўлди. Имом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишларича, Собит ибн Қайс Ансорийнинг хотинлари (Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин) Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдиларига келиб мурожаат қилди: "Эй Расулulloҳ! Мен Собит ибн Қайсни на хулқда, на динида айбламайман. Аммо Исломда ношукрлик қилишини ёмон кўраман". Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан сўрадилар: "Унга боғини қайтариб берасанми?" Аёл: "Ҳа", деб жавоб бергач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Собит ибн Қайс розийаллоҳу анҳуга: "Боғни олгин-да, уни бир талоқ қўйгин", дедилар. Собит ибн Қайс у хотинга уйланганларида маҳрига хурмо боғини берган эдилар.

Бу ўринда шуни билиш муҳимки, аёлнинг талоқ учун ҳали олмаган маҳридан кечиши ё олган маҳрини эрига қайтариб бериши ўз хоҳиши билан бўлиши лозим. Нисо сурасининг 4-ояти мазмуни бундай: "Хотинларга маҳрларини розилик билан беринг. Агар улар маҳрларидан бирор нарсани ўзлари рози бўлиб сизга қайтарсалар, уни енг, бунда гуноҳ ва бало йўқ".

Азоб ёки қийноқ таъсирида хотини маҳридан кечган эр хурсанд бўлмасин. Аллоҳ таоло эътиборида бу хотиннинг ҳуқуқлари эрнинг зиммасидан тушмайди. У эр икки бор ҳисоб беради: хотинига зулм қилиб, азоблагани учун бир ҳисоб берса, хотинининг ҳаққини егани учун яна бир ҳисоб беради (Аллоҳ билувчидир).